**Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларга иссиқ овқат етказибберищ ва хизматларни кўрсатиш бўйича**

**Ш А Р Т Н О М А № 05/01**

Лот № **22110012075973** **« 10 » 05.2022й.**

**Карши шахри** **« 10 » май 2022 й**

Қарши шахар «БАХТ ОРИГИНАЛ САВДО» Х/К кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари И.Бобоев номидан, бир томондан ва Карши "Мурувват" ногиронлиги булган боллалар учун интернат уйи, кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари Д.Пайзиллаев, номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «БАХТ ОРИГИНАЛ САВДО» Х/К шартнома спецификациясида кўрсатилган иссиқ овқат махсулотларини тайёрлаб беради ва умумий овқатлантириш хизматларини кўрсатади. Иссиқ овқат тайёрлашда озик-овқат махсулотларининг нархи Вилоят хокимлиги томонидан белгилаб берилган ойлик нархлардан ошмаган холда етказиб берилиши керак.

1.2.Шартноманинг умумий суммаси **139200000 (бир юз уттиз туккиз миллион икки юз минг )сум Тайёр иссик овкат учун.**

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

**2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 139200000 (бир юз уттиз туккиз миллион икки юз минг )сум Тайёр иссик овкат учун.**

. Тайёр иссик овкат учун.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) тулов микдори **41760000 (кирк бир миллион етти юз олтмиш минг ) сум** яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил килади ва бу олдиндан тўлов **2022 йил май ойида** амалга оширилади. Якуний тўловнинг микдори эса **97440000 ( туксон етти миллион турт юз кирк минг ) сум** яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура такдим килингандан сўнг **2022 йилнинг май ойида** амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонига асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) кийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, махсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши такикланган. "Сотувчи" мазкур фармонга амал килиши шарт.

2.4. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат иссик овқат (хизмат)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.2. "Бажарувчи" тўпламда яроксиз, яъни тегишли даражада сифатли бўлмаган (ветеринария, санитария, лаборатория талаблари) махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 24 соат ичида сифатсиз товар (махсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.

3.3. "Бажарувчи" Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат

4. Ишлаб чикаришга оид нуксонлари аникланганлиги муносабати билан "Буюртмачи" томонидан кафолатли муддат доирасида кайтарилган товар (махсулот)лар "Бажарувчи"га кайтариб берилиши лозим, бунда "Бажарувчи" уларнинг кийматини тўлик коплаб бериши ёки "Буюртмачи" билан келишган холда 24 соат ичида яроксиз товар (махсулот)ларни сифатли товар (махсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

## 4."БАЖАРУВЧИ" НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Бажарувчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига асосан ва шартномага кузда тутилган маблағлар доирасида озик-овкат махсулотларини ва иссик овкатни "Истеъмолчи"га белгиланган муддатларда таъминлайди.

4.2.Етказиб бериладиган махсулотларни сертификатларга биноан сифатини таъминлашини ўз зиммасига олади.

4.3.Ошхонани малакали ошпазлар билан, нормативлар асосида, калькуляция килиб сифатли овкат билан беморларни таъминлайди.

4.4."Истеъмолчи" томонидан такдим килинган таомномаларга асосан умумий овкатлантириш хизматларини ташкил килади ва хар ойда курсатилган хизмат счёт фактураларини такдим килиб боради.

4.5. "Истеъмолчи"га етказиб берилган махсулотлар тўғрисида счёт-фактураларни хар ой хафтанинг шанба кунларида такдим этиб боради.

## 5."БУЮРТМАЧИ" НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Озик-овкат махсулотлари тўлик хажмда кабул килиб олиш ва "Бажарувчи"нинг ошпазларига белгиланган кунлик меню бўйича етказиб бериш.

5.2. Ошхонада буюртмачи томонидан газ, электр энергияси, ичимлик суви билан ўз вактида таминлан бериш ва туловларини амалга ошириш мажбуриятини олади.

5.3."Истеъмолчи" озик-овкат махсулотлари учун ишончномаларни факатгина бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида тўлдиришни ва махсулотларни кабул килиб олиш мажбуриятини олади.5.4.Буюртмага асосан ва ажратилган имит доирасида иссик овкат ва озик-овкат махсулотлари "Бажарувчи"дан белгиланган муддатларда етказиб беришни талаб килади.

5.5. "Бажарувчи" томонидан етказиб берилган иссик овкат ва озик-овкат махсулотларини сертификатларга биноан сифатини талаб килади.

5.6. "Бажарувчи"дан хар ой хафтанинг шанба кунида кўрсатилган хизмат хисоб-фактураларини талаб килиб олади.

## 6. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

6.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хаққонийдир.

6.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

6.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

8.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.
- Форс-Мажор холатларида

Шартноманингамалкилишмуддати «31» Декабрь2022 йилгача

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал килинади

9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашкадарё вилоят Иктисодий судида хал килинади.

## 10. ФОРС – МАЖОР

10.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошкини ва бошка табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

## 11. БОШКА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Таъминотчи» | «Истеъмолчи» |
|---|---|
| Еткази берувчи | Буюртмачи |
| Ташкилот номи : «БАХТ ОРИГИНАЛ САВДО» Х/К<br>Манзил: Каршишахар. Пахтазор м\т<br>Телефон: 905188600<br>Факс: 972008680<br>СТИР коди: 302529271<br>ОКОНХ:<br>ОКЭД: 47240<br>Х/Р20208000305026154001<br>Банк: КАРШИ Ш., "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ КАРШИ ФИЛИАЛИ<br>МФО: 01099<br><br>Рахбар (директор): Н.Бобоев ________ (имзо)<br>М.У. | Ташкилотноми: Карши "Мурувват" ногиронлиги булган болалар учун интернат уйи<br>Манзил: Карши шахри, И.Каримов, 441 уй<br>Телефон: (375) 226-04-81<br>Факс:<br>СТИР коди: 200666409<br>ОКОНХ: 92500<br>Буюртмачининг Ғазна шахсийхисобварағи: 100021860104017101205344001<br>Ғазначилик бўлинмаси номи:<br>Ғазначилик бўлинмаси ИНН раками: 201122919<br>Ягонағазначиликхисобвараклари (ЯҒХ): 23402000300100001010<br><br>Директор: Д.Пайзуллаев ________ (имзо)<br>М.У. |

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида"ги конун талабларига ва Узбекистон Республикаси фукаролик кодекси нормаларига мувофик тарзда тузилган .

«10» 05 2022 й

Хукукшунос: ____ А. Исмоилов.